



Тошкент Оқшоми

2014 йил 21 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 164 (12.725)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов
Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи доирасида 20 август
куни ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан учрашди.

Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримовнинг ушбу ташрифи давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилиши, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини изчил кенгайтиришга янги суръат бағишлаши қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Пекин музокаралари доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ доллари тенг лойиҳалар бўйича йигирмадан зиёд ҳужжат, шунингдек, 800 миллион доллар миқдорда савдо шартномалари имзолангани ва шу тариқа жами 6 миллиард долларлик келишувга эришилганини таъкидлади.

Ли Кэцян ташриф натижаларини юқори баҳолади ва Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан собитқадмлик билан давом этиб, мустақил тараққиётдан оғишмай юксак натижаларни қўлга киритаётганини қайд этди. Хитой Ўзбекистон билан бундан буён ҳам алоқаларни ўзаро ишонч, ҳурмат, тенглик ва манфаатдорлик, стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожлантириб боришга тайёр эканини билдирди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлик қўламини изчил кенгайтириш учун Ўзбекистон ҳам, Хитой ҳам юксак салоҳиятга эга экани, Президент Ислом Каримовнинг давлат ташрифи бу борада янги имкониятлар очгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрафлича фикр алмашдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Шэньси провинциясидаги қадим Сиань шаҳрига ташриф буюрди.

Хитой марказидаги мазкур шаҳарнинг тарихи 3000 йилдан ошди. Айрим манбаларга қараганда, бир вақтлар у аҳоли сони ва ҳудуди жиҳатидан нафақат Чин юрти, балки бутун дунёдаги энг йирик шаҳар бўлган. Шу билан бирга, Хитой императорларининг ўн уч сулоласи даврида мамлакат пойтахти мақоми эгаллаган.

Буюк Ипак йўлининг муҳим чорраҳаларидан бирида жойлашган ушбу шаҳар теграсида қўлаб қадимий макбаралар, хусусан, император Цинь Шихуандининг терракота армияси билан бирга дафн қилинган макбараси бор.

Президент Ислом Каримов Сианнинг қадимий обидалари билан танишувни терракота армияси музейидан бошлади. Бу ердаги саккиз мингдан зиёд аскар, гарчи сополдан бўлса-да, ҳақиқий жанговар от-аравалари ва курул-аслаҳалари билан ўз даврининг энг қудратли армиясини намойён этди. Улар 1974 йилги қазима ишлари даврида эрамиздан аввалги 210-209 йилларда мамлакатни бирлаштирган император Цинь Шихуандининг макбараси атрофидан топилган. 1987 йилда терракота армияси ЮНЕСКО томонидан Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган.

Мамлакатимиз раҳбари музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов Сианда қадимий шаҳар деворини кўздан кечирди.

Деворнинг асосий шарқий дарвозаси олдидаги майдонда энг ҳурматли меҳмонларга кўрсатиладиган иззат-икром ва ҳурмат-эҳтиром маросими ўтказилди — Ўзбекистон Президентига тантанали равишда Сиань шаҳрининг рамзий калити тақдим этилди.

Шаҳар тарихий қисмининг камарига айланган бу девор XV-XVII асрларда ҳукмронлик қилган Мин сулоласи даврида барпо этилган. Ўз даврида у ташқи томондан чуқур ҳандақлар билан ҳам ўралган ва мустаҳкам истехком вазифасини ўтаган. Муайян қисмларида барпо этилган қалалар ташқарига чиқадиган кўприк билан жиҳозланган ва айни пайтда ишончли мудофаа иншооти бўлган.

Деворнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг ўлчамларидир. Бўйи 15, эни 12 метрга етадиган бу девор устидан қадимги даврнинг барча транспорт воситалари, оғир жанговар-техникавий ас-лаҳалари, катта миқдордаги жангчилар бемалол ҳаракатлана олган. Унинг туннеллари ва туйнуқлари эса шаҳар мудофаа қудратини янада оширган.

Президент Ислом Каримов Сиань нафақат ўзининг бетимсол обидалари, балки юксалиб бораётган иқтисодий қудрати билан ҳақли равишда Хитойнинг энг диққатга сазовор шаҳарларидан бири эканини таъкидлади.

Шаҳарга ташриф асносида давлатимиз раҳбари Шэньси провинцияси партия қўмитаси котиби — Халқ вакиллари кенгаши раиси Чжао Чжэньюн ва провинция ҳокими Лоу Циньцзянь билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Хитойга давлат ташрифи самарали кечаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ва Хитойнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, жумладан, Самарқанд билан Сиань ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи асносида Самарқанд ва Сиань ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатиш тўғрисида фикр билдирилган эди.

Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг она юрти бўлган ушбу шаҳар билан рўйи замин сайқали бўлган Самарқанд ўртасидаги муносабатларнинг янги даражага кўтарилишида ва Президент Ислом Каримовнинг Сианни зиёрат қилишида чуқур рамзий маъно бор. Давлат раҳбарларининг ўзаро ишончи ва ҳурмати мамлакатлараро ҳамкорлик алоқаларининг юксак ривож учун асос бўлиб, халқларимиз ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи сиёсий, иқтисодий натижалар билан бир қаторда юксак инсонийлик ютуқлари туфайли ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихидан муҳим ўрин эгаллаши ва ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши муқаррардир.

Анвар БОБОЕВ,
Ўза махсус муҳбири
Пекин — Сиань — Тошкент.

ни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, бунинг учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

• Навоий вилояти Нурота туманининг Саиджон Эшон массивида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 25 замонавий уйнинг калити эгаларига топширилди. Ўтган давр мобайнида вилоятда 2060 намунавий лойиҳалар асосидаги уйлар барпо этилди.

• Термиз шаҳрида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, сеvgи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида қизлар ўртасида спортнинг бадий гимнастика тури бўйича мамлакат биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди.



ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ:

ИСТИҚБОЛЛИ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР



Айни кунларда шаҳримизнинг қай бир гўшасига борманг, Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллигини ҳар бир соҳада юксак натижаларга эришиб, ёруғ юз билан қўтиб олишга катта тайёргарлик кўриляётганига гувоҳ бўласиз. Жумладан, Шайхонтоҳур туманида ҳам улуг айём нашидаси ҳукмрон.

1929 йилда ташкил топиб, умумий ер майдони 27,2 квадрат километри ташкил этган ушбу туманда 309,2 минг аҳоли 49 та маҳаллада юрт ривож, эл ободлиги, фаровон ҳаёт, oilаси тўқинлиги йўлида меҳнат қилиб келмоқда. Туман аҳолисининг таълим-тарбия олиши, соғлиғини тиклаши, маданий ҳордиқ чиқариб, спорт билан шуғулланиши учун 5 та олий таълим муассасаси, 9 та касб-хунар коллежи, 4 та академик лицей, 40 та умумтаълим мактаблари ва 44 та мактабгача таълим муассасалари, 9 та шифохона, 7 та оилавий поликлиникалар; 219 та спорт мажмуалари, 29 та кутубхона, 4 та киносарой, 6 та театр, 3 та музей, 2 та маданият уйи ва 3 та мусика мактаблари

бугунги кун талаби даражасида хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, туманда жами 13 та йирик sanoat корхоналари, 5174 та корхона ва ташкилот, 4408 та кичик корхона ва микрофирмалар фаолият юритаётган бўлиб, 2014 йилнинг ўтган биринчи ярим йиллигида жами sanoat корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 643,1 миллиард сўмини ташкил қилиб, ўсиш суръати 18,4 фоиздан iborat бўлди.

Пудрат қурилиш ишлари ҳажми жами 167,3 миллиард сўм бўлиб, ўсиш суръати 19,0 фоизни ташкил қилди. Аҳолига хизмат

кўрсатиш борасида ўсиш суръати 16 фоизга етди. Маълумки, бугун техника асрида яшаймиз. Шунга яраша илгор технологиялар бўйича хизмат ҳам муҳим роль ўйнайди. Шундан келиб чиққан ҳолда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (уяли алоқа, «Интернет» тармоғидан фойдаланиш, кабелъ телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматлари билан бирга) ҳажми 25,3 миллион сўм бўлиб, жами хизматлар ҳажмининг 2,3 фоизини ташкил қилди.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, Шайхонтоҳур тумани аҳолиси қўлни қўлга бериб Энг улуг ва азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 23 йиллигини корхона, ташкилот, ўқув юртлари, маҳалла, кўча ва хибонларни покиза ҳолга келтириб, ишда ва ҳаётда катта ютуқларни қўлга киритиб ёруғ юз, хайрли ният билан қўтиб олмоқда. Зеро, халқимизда «Тўйга тўёна билан» деган ибратли нақл бежизга айтилмаган.

(Шайхонтоҳур туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)



• Энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрами яқинлашиб келаётган шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги ижтимоий объектлар, турар-жой бинолари фойдаланишга топширилмоқда. Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида ишга туширилган спорт мажмуасининг очилишига бағишланган тадбирда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшлар-


• Навоий вилоятида ижро интизоми ва назоратига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди. Иштирокчилар вилоят ҳокимлиги бўлиmlари, жумладан, умумий бўлим, юридик хизмат, ташкилий-назорат гуруҳи, «Компьютерлаштириш маркази» фаолияти билан танишди.



• Ҳиндистон ва Непалда тинимсиз ёққан ёмғир туфайли сув тошқинлари ҳамда кўчкилар рўй берди. Ҳар икки мамлакатда минглаб одамлар бошпанадан айрилган. Бир қанча аҳоли пунктлари ташқи дунёдан узилиб қолган.

Уларга озиқ-овқат, ичимлик суви ва дори-дармон етказиш мақсадида вертолётлардан фойдаланилмоқда.

• Уй-жой жиҳозлари ва қурилиш материаллари етказиб бериш билан шуғулланувчи «Home Depot Inc.» савдо дўконлари тармоғи (АҚШ) учун жорий йилнинг иккинчи молиявий чорағи муваффақиятли яқунланди. Маълумотларга кўра, ниҳоясига етган мазкур чоракда компания 2,05 миллиард доллар миқдорда соф фойда олишга эришган. Бу борадаги ўсиш суръати 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 14 фоизни ташкил қилган. Умумий кўрилган даромад ҳажми эса 23,8 миллиард долларга тенг бўлди.



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ:

ИСТИҚБОЛЛИ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР



Маҳалла

«ШОФАЙЗИ»НИНГ ФАЙЗИ БЎЛАКЧА

Маҳалла сўзини эшитганда ҳар бир инсоннинг кўнглидан тинчлик-осойишталик, дўсту биродарлик, аҳиллик ва бирдамлик, меҳр-оқибат маскани деган илиқ фикрлар ўтади.

Дарҳақиқат, азал-азалдан маҳалла-лар яқин қўшничилик, йиқилганда суяб, қувонганда шерик бўлишдек эзгу ҳислатлар туپ қўйиб, илдиэ отган маскан ҳисобланган. Шайхонтохур туманидаги «Шофайзи» маҳалласига кириб келганимизда, одамлар юзидаги хурсандчилик, маҳалла оқсоқоли хонасида турган даста гуллар, компьютер жамламаси, диплом, боринги, киши кўнглини тоғдек қўтарувчи илиқ калом билан бир-бирларини сийлаётган инсонларни кўрганда ташрифимиз жуда вақтида бўлганини тушундик.

— Кўни кеча «Энг намунали фуқаролар йиғини» кўрик-танловининг шаҳар босқичида ғолиб бўлди, — дейди маҳалла оқсоқоли Бахтиёр Шамсуддинов. — Ўтган йили ушбу танловда иккинчи ўрин соҳиби бўлди, лекин бундан тушунлиққа тушмай, дедик биз ҳали ўз устимизда ишлашимиз, камчиликларни тузатишимиз, янги-янги изланишлар олиб боришимиз керак экан, деган қарорга келдик. Ва йил бўйи ушбу танловга тайёргарлик ишларини сабр-тоқат билан олиб бордик. Натижани ўзингиз кўриб турибсиз. Энди республикада омадимизни синаб кўраимиз.

Обод ва ораста, шинам ушбу маҳаллада 8054 нафар аҳоли истиқомат қилади, 1.500 оила, 765 та хонадон. Аҳоли билан яқин ҳамкорликда, бамаслаҳат иш олиб борилган боис вояга етмаганлар орасида жиниятчиликка қўл урганлар, адашиб турли ноконуний йўлларга кириб қолганлар йўқ, аҳрим-

лар бўлмаган. 28 та кам таъминланган, ёлғиз, кекса, ногирон, кўп болали оилалар доимо эътиборда, маънавий ва моддий ёрдам кўрсатилиб, холларидан хабар олиб турилади. «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида аёллар тиббий кўрикдан ўтказилиб, лозим бўлганларга имтиёзли даволаш муолажаларига йўлланмалар берилади. Маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиси Насиба Иноятова, хотин-қизлар комиссияси раиси Феруза Шамсуддинова, посбонлар сардори Абдуқодир Маликовларнинг аҳоли билан ҳамиша биргалиги туфайли ободонлаштириш, кўламазорлаштириш ишлари, турли маросимлар кўнгилдагидек, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйилмасдан, ихчам, тартибли ўтмоқда. Баҳор фаслида 200 га яқин манзарали, 400 га яқин мевали дарактлар, 2000 тул турли гулу чечаклар экилган, 4 километр ариқ ва зовурлар тозаланиб чиқиндилар олиб чиқиб ташланган. Бугун атроф ободонлаштирилиб, кўркам қиёфага келтирилган. Бугун шабадада тебраниб турган дарактлар, чаман бўлиб очилган гуллар уларнинг яхши парвариш қилинаётганидан дарак бериб турибди.

— Танловдаги муваффақиятимиз Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига муносиб тўхфадир, — дейди Бахтиёр Шамсуддинов. — Ҳамиша энг улуғ ва азиз байрамимизни мана шундай ёруғ юз, покиза ниётлар билан қутиб олайлик.

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук, ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга бўлган, она Ватанимиз тақдир ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб, вояга етказиш давлатимиз олдида турган устувор вазифалардан биридир. Замон талаблари даражасида қад ростлаётган таълим-тарбия масканлари мана шундай хайрли мақсадларга хизмат қилмоқда.

Таълим

ЗАМОНАВИЙ ВА ШИНАМ МАКТАБ

Тумандаги 84-умумтаълим мактаби ҳам аини Мустақиллик байрамнинг 23 йиллиги шодиёнлари нишонланаётган кунларда билимга чанқоқ 600 нафар ўғил-қизлар ва 100 нафардан ортиқ 1-синфга ҳаяжон билан қадам қўяётган жажжи кичкинтойларни бутунлай янги, замонавий қиёфада қутиб олади.

— Юртбошимиз томонидан таълим соҳасига қаратилган катта эътибор ва олиб борилаётган тўб ислохотлар туфайли мактабимиз мана шундай шинам, замонавий қиёфа касб этди, — дейди биз билан суҳбатда ушбу мактаб директори Наргиза Ахорова. — Жорий йил 20

январда бошланган қурилиш ва таъмирлаш ишлари 20 июнда якунланиб, мактабнинг том қисмидан бошлаб ҳар бир синф хоналарининг эшик-даразалари алмаштирилиб, спорт зали, фаоллар залига таълим-тарбия қилириди. «Соғлом бола йили»да болажонларимиз ҳар томонлама қўлай, замонавий мебоеллар билан жиҳозланган озода, ёруғ синфларда, зарур ўқув-лаборатория анжомлари билан таъминланган физика, кимё, инглиз тили

Мустақилликка эришилган илк йилларданоқ юртимизда соғлиқни сақлаш, илм, фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Бугунги кунда ҳар бир соҳада эришилган салмоқли натижаларни яратилаётган шарт-шароитлар меваси десак адашмаган бўламыз.

Тиббиёт

ЭЛ СОҒЛИФИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Бу борада биргина тиббиёт соҳасида юз бераётган ўзгаришлар, қўлга кири-тиллаётган ютуқ ва муваффақиятлар фикримиз далилидир. Шайхонтохур туманида фаолият юритаётган Тошкент шаҳар 1-перинатал маркази фаолияти ҳақида ҳам бугун фақат илиқ фикрларни билдириб ўтсак ярашади. Маълумки, ушбу марказ 1996 йилда ташкил топган бўлиб, республикамиздаги энг катта туғруқ муас-сасаларидан бири ҳисобланади.

— Марказимизда нафақат туман, балки бутун шаҳримиздаги барча аҳолига, асосан энг оғир, экстрагенитал хасталиклар бор, шу жумладан юрак, қон-томир, жигар, ўпка, буйрак хасталиклар билан касалланган аёлларга хизмат кўрсатилади. Бунинг учун бизда энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналаридан тортиб, олий тоифали шифокорлар, малакали акушер-гинекологлар, қўли енгил ҳамширалар хизматга шай туриб, она-боланинг саломатлиги, келажақ авлоднинг соғлом, нуқсонсиз дунёга келиши учун ҳаракат қилишади, — дейди 1-шаҳар перинатал маркази бош шифокори Адҳам Қосимов. — Шифокорларимиз шаҳримиздаги барча оилавий поликлиникалар билан яқин ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган 2013 йил давомида масла-хатхона томонидан 62668 та аёлга кон-сультатив-диагностика маслаҳати берил-

ган, 17150 нафар аёл УЗИ назоратидан ўтган, 596 та аёл назоратга олиниб, шу-лардан 263 тасининг муваффақиятли кўзи ёриган, 321 таси ҳали назоратда. Агар эътиборимизни яна бир рақамга қарат-сак, ўтган йил давомида юрак-қон то-мир касалликлари билан оғирган аёл-ларнинг 70 фоизи марказга мурожаат қилган, муддатидан илгари туғилган ча-қалоқларнинг 40 фоиздан ортиғи пери-натал марказда дунёга келган.

— Шу ўринда миннатдорлик билдириб ўтиш ўринлики, — деб фикрини давом эттириб бош шифокор, — аҳоли сало-матлигини асраш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш йўлида олиб борилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқарма-сининг қўмағида гинекология бўлими-миз «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида тўла реконструкциядан чиқарилиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Бу ал-батта Мустақиллигимизнинг 23 йилли-гига муносиб тўхфа бўлди. Кейинги ре-жада туғруқ бўлими-мизнинг ҳам тўлиқ таъмирланиши кўзда тутилган. Мақсади-миз элимизга янада сифатли тиббий хиз-мат кўрсатиб, келажақ эгаларини соғлом дунёга келтириб, она-болалар қувончига шерик бўлиш баробарида эгнимиздаги оқ халатга ҳеч қачон доғ тушмаслигини ни-ят қиламиз.

хоналарида билим оладилар, спортнинг футбол, баскет-бол, волейбол, шахмат-шашка тури билан мазза қилиб шугулланидилар. Аҳборот-ресурс марказимиз эса мингдан ортиқ бадий, илмий, педагогик ва дарслик китоблар захираси билан бойитилган.

Янги ўқув йилидан ўзгача иштиёқ билан иш бош-лашга тайёр турган Ноила Пўлатова, Нодира Баҳоди-рова каби 43 нафар устоз-педагоглар ёшларга ҳар жиҳатдан пишқи-пухта билим бериб, уларни элу юр-тимиздаги муносиб фарзанд бўлиб камолга етишлари-га ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда бу-тун дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тай-ёрлаш Миллий дастури ва Мактаб таълимини ривож-лантириш Давлат умуммиллий дастури бу борада мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Илғор педагогик технологиялар асосида берилаётган замо-навий таълим-тарбия бугун ўз натижаларини бериб, Зулфияхоним издошлари, янги иқтидор ва истеъдо-д эгалари кашф этилмоқда. Ёшларимиз ҳеч қандам бўлмай энг ривожланган хориж давлатларида ўқиб билим ва кўникмаларини намоён қилмоқдалар.

Саҳифа материалларини Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ЁШЛАРИ

Пойтахтимизда мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, сеvgи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида анъанавий «Истиқлол фарзандлари» ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбе-кистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этил-ган анжуманда Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишони соҳиблари, хал-қаро олимпиадалар, турли спорт мусобақалари, тан-ловлар ғолиблари, ижтимоий фаол ёшлар қатнашди.

Тадбир давомида ёшларни мамлакатимизнинг олий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари фаоли-яти билан яқиндан таништириш мақсадида ушбу орган-ларга сайёхатлар ташкил этилиб, унинг доирасида иқти-дорли ёшлардан «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун-нинг янги таҳрирдаги лойиҳасига тақлифлар олинди.

«Баркамол авлод» республика болалар марказлари тарбияланувчиларининг Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдида «Ватанимга меннинг тўхфам» мавзу-сидаги ижодий ишлари кўргазмаси, энг улуғ, энг азиз байрамимизга бағишлаб ёш рассомлар, шоирлар ўрта-сида ўтказилган танловлар фестивалга янада кўтарин-килик бағишлади.

Фестиваль доирасида Ўзбекистон футбол федерация-сининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефери-си Равшан Эрматов билан ўрашув ва «Камолот кутубхона-си» лойиҳаси доирасида «Орт ифтихорлари» туркумида чоп этилган «Равшан Эрматов: энг кучли ФИФА рефе-рис» китобининг тақдироти ўтказилди.

«Бунёдкор» стадиони ва бу ерда ёш футболчиларни камол топтириш учун яратилган қўлай шароит билан танишув фестивал иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Мазкур маҳобатли стадион мамлакатимиз иқтисодиёти изчил ривожланиб бораётгани, халқимиз фаровонлиги ва ҳаёт даражаси янада ошаётганининг ёрқин далилидир.

— Истиқлол билан бирга туғилган йигит-қизлар йи-гирма уч ёшни қаршиламоқда, — дейди бадий гимна-стика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи Замира Санокүлова. — Улар озо-д юртнинг бахтли фар-зандлари. Улар мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳар томонлама рўёбга чиқаришга қаратилган ҳаётбахш ислохотларнинг фаол иштирокчилари.

Унутилмас таассуротларга бой бўлган бундай фести-валлар ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига садо-қат, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз тарақ-қиётини таъминлаш йўлидаги эзгу ишларга рағбатлан-тириш, уларда турли соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга дахлдорлик, келажаққа ишонч ва шукроналик туйғуларини янада мустаҳкамлашга хиз-мат қилади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

ВАРШАВАДА ЎЗБЕКИСТОН САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Яқинда Варшавада мамлакатимизнинг дипломатия ваколатхонаси томонидан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси сармоявий салоҳиятининг тақдироти бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Польшанинг қурилиш, энергетика, транспорт, инфратузилмалар, кишлоқ ҳўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида иқтисодиётининг 1200 дан зиёд компания ва корхоналарини ўз атрофида бирлаш-тирган «Польша қурилиш ва инфратузилмалари жамия-ти» билан ўзаро ҳамкорликда уюштирилди.

Тақдимот чоғида Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида эришилган кенг мўкёсли муваффақиятлар, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, республикада яра-тилган сармоявий иқлим ва қўлай шарт-шароитлар, хо-рикий сармоядорлар учун мавжуд кафолатлар ва пре-ференциялар, айрим инвестицион лойиҳалар тўғриси-даги батафсил маълумотлар тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. Унда «Навой» эркин иқти-содий-индустриал худуди ҳамда «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналарида лойиҳаларни ўзаро ҳам-корликда ҳаётга татбиқ этишга уруғ берилди.

Мамлакатимизда қабул қилинган «Соғлом бола йили» Давлат дастуридан қўзланган мақсад ва унинг мазмун-моҳияти, соғлом ҳамда ҳар томонлама баркамол авлод-нинг вояга етказишда оила институтининг ўрнини ривож-лантириш ва мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эъти-бор қаратилди.

Шу билан бирга, тақдимот қатнашчилари жорий йил декабрь ойида ўтказиладиган Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлисида, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлирига умумхалқ сайловлари тўғрисидаги маълумотлар билан ҳам танишдилар. Қайд этилгани-дек, мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ, сайлов кампанияларни ўтказиш учун сиёсий партиялар ва де-путатликка номзодлар учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилган, фуқароларнинг эркин фикр бил-дириши билан боғлиқ барча сайлов ҳуқуқлари таъмин-ланган.

Тақдимот якунида «Польша қурилиш ва инфратузил-малар жамияти»нинг президенти ҳамда «Quick Modulo Sp.z.o.o.» ва «Orle Gniazdo Sp.z.o.o.» компаниялари-нинг вакиллари билан икки томонлама ўрашувлар бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида Польша томони ўзбе-кистонлик шериклар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор эканликларини маълум қилди-лар.

«Жаҳон» АА
Варшава



Танловлар

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Мустақиллигимиз йилларида Ватанимиз эришган юксак ютуқларни халқимизга етказишда ижод аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Маълумки, Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шioriни ўзида мужассам этган «Энг улуг, энг азиз» республика танлови эълон қилинган эди. Кеча Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпания ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловнинг шаҳар босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Истиқлол шарофати билан Республикада, жумладан, пойтахтимизда барча соҳаларда улкан муваффақиятларга эришилгани, обод юртимизда амалга оширилаётган бекиёс бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ўз аксини топган асарлар яратётган барча ижодкорларни рағбатлантиришдек эзгу ниятларга хизмат қилиб келмоқда.

«Энг улуг, энг азиз» танлови Тошкент шаҳар босқичининг сермазмун ва қизгин бўлиб ўтганлигини танловга топширилган асарлар жанрларининг ранг-баранглиги, ёши, касби-коридан қатъи назар ижод аҳли катта қизиқиш билан унда иштирок этганлигидан ҳам билиш мумкин. Бу йил ҳам турли йўналишлар бўйича танловда иштирок этиш учун жами 200 га яқин ижодий иш тақдим этилиб, улар белгиланган мезонлар асосида ҳолисона баҳоланди.

Жумладан, телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари, босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари, тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари бўйича голиблар аниқланиб, уларга диплом ва совғалар топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги ҳамда Соғлом бола йилига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деб номланган кўргазма ташкил этилди.

ТАСВИРЛАРДА ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида яратилган ижод эркинлиги, миллий маданиятимиз ва санъатимизни рағбатлантиришга оид эзгу савий-ҳаракатлар, халқро маданий-маърифий алоқаларнинг тобора кенгайиб бораётгани мусавирларнинг фаол изланишига тўртки бераётганини таъкидлади.

Мўйқалам соҳибларини янгидан-яңи ижодий марралар сари руҳлантириш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор натижасида ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи тасвирий, ҳайкалтарошлик асарлари яратилмоқда.

— Истиқлол айёмига бағишланган кўргазмани барча мусавирлар орзиги кутади, — дейди рассом Ди-

лором Мамедова. — Негаки, ушбу тадбир мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни, юртдошларимизнинг ҳаётидаги ижодий ўзгаришларни, уларнинг кайфияти, келажакка бўлган ишончини бадий асарларда акс эттириш, ўтган йиллар давомидаги ижодий ҳисоботимизни томошабинлар эътиборига ҳавола этиш учун қулай имкониятдир.

Кўргазма экспозициясида рассом, ҳайкалтарош ва усталарнинг ранг-тасвир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий санъат намуналарига кенг ўрин берилган. Бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз, бетақрор она табиятимиз, тобора обод бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қиладиган юртдошларимиз, бахтиёр болалик онлари акс эттирилган асарлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Касалхонанинг жарроҳлик бўлимидаман. Операциядан сўнг томиримга альбумин деган дори юбориш керак экан. Анча уринишлардан сўнг шу доридан топиб келишди.

Ҳаётий лавҳалар

ЯХШИЛИК АСЛО УНУТИЛМАЙДИ

Бир марта альбумин олганимдан сўнг ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Муддатим тугаб, уйга рухсат беришди. Муолажани бир ойдан сўнг яна давом эттириш керак, деб иккинчи шишадаги дорини қўлимга тутқаздиши.

Орадан икки ҳафтача ўтиб қолган эди, ярим тунда дарвозам тақиллаб қолди. Эшикни очсам, менга таниш ҳамшира ва яна бир ҳоржин, маънос аёл турарди. Аёл йиглаб-ёлворарди. Ўн икки ёшли ўғли кўричак бўлиб қолган экан. Вақти ўтиб кўричаги ёрилиб кетгани сабабли, оғир аҳволда Сирдарёдан Тошкентга олиб келишибди. Унга зудлик билан альбумин қўйиш керак экан. Бу дорини тун ярим тугул, кундузи ҳам топиш амри-маҳол эканлигини билган, иложсиз қолган наватчи шифокор танишларга ва бошқа керакли жойларга кўнғироқ қилибди.

Мен ётган касалхона ҳамшираси ўша шифокорнинг қўлини экан. Дарров мени эслаб, манзилимни берибди, бунга ҳам қаноат қилмай, ўзи бирга келибди.

«Дорингизни бериб турсангиз, боламнинг ҳаёти қил устида турибди. Жон опа, йўқ деманг, сизга керак бўлгунча топиб бераман», — деб йиғлади аёл. «Топиб бермасангиз ҳам майли, болангиз тузалиб кетса бас», — деб дорини бердим. Хайриятки, бола тузалиб кетди. Касалхонадан чиққан кун боланинг онаси менга кўнғироқ қилиб, «Опажон, дорини топишинг иложи бўлмади, битта эчким бор, шуни сотиб, пулини олиб келиб бераман, сизга катта раҳмат», — деди.

— Синглим, нечта болангиз бор? — деб сўрадим.

— Еттига, — деди у.

Бўлмаса, яхшилаб эшитиб олинг. Эчкини сўйиб, болаларингизга едиринг. Менга ўша дори керак бўлмасин. Аллоҳ сизнинг болангизга ҳам, менга ҳам соғлиқ ва умр берсин. Минг марта розиман, — дедим. Шунда аёл менга бир гап айтдики, бу бир умр ёдимдан чиқмайди.

— Мен оддий, тўпори, кўп болали бир аёлман. Сизга, химматингизга муносиб сўз тополмайман. Аммо, яхшиликнингизни жонимга ёздим, — деди. Бу ёзув эса ҳеч қачон ўчмайди.

Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА

Юксак маънавият — енгилмас куч

ЯНГИ МАЪРИФАТ МАСКАНЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида янги кутубхона ва «Ижод» китоб дўкони очилди.

Мазкур маърифат масканларининг очилишига бағишланган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Ш.Ризаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида ёшлар маънавиятини юксалтиришнинг муҳим шарти сифатида миллий адабиётимизнинг рағбатлантириш, ижод аҳлини бадий ҳаётдан мукаммал асарлар яратишга илҳомлантириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Юртимизда ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини кучайтириш, мутлоаа маданиятини ошириш, адабиёт фидойиларининг энг сара асарларини кенг жамоатчиликка тарғиб этиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўқувчи-ёшларнинг миллий

адабиётимизга бўлган илҳосини орттириш мақсадида туркум ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, адабиёт кунларини мунтазам тарзда ўтказиб келмоқда.

Уюшма қошида ташкил этилган кутубхона қарийб ўн мингга яқин китоб фондига эга бўлиб, бу ерда юртимиз наشريётларида чоп этилган сиёсий, бадий, ўқув ва юридик адабиётлар, энциклопедия ва лугатлар, босма матбуот нашрлари билан танишиш имконияти мавжуд. Бу маънавий хазинадан ижод аҳли билан бирга ўқитувчилар, олий ва ўрта махсус, умумтаълим даргоҳлари талаба-ўқувчилари, умуман, адабиёт мухлислари фойдаланиши мумкин. Кутубхонада янги асарларнинг тақдироти, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, ижодий мулоқотлар, давра суҳбатлари ташкил этилиши, китоблар фондиди доимий бойитиб ва кенгайтириб бориш кўзда тутилган.

«Ижод» китоб дўконининг ўзига хослиги бу ерда наشريётлардан тўғридан-тўғри янги нашрлар келтирилиши йўлга қўйилган. Зиё масканида Президентимиз асарлари, тарихий мавзудаги китоблар, бадий, публицистик, болалар, хориж адабиётидан намуналар китобхоналар эътиборига ҳавола этилган.

(ЎЗА)

«101»

МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

Ёнғиндан сақлаш хизмати Ички ишлар вазирлиги таркибига мустақам мавқега эга бўлган хизматлардан бири ҳисобланади.

Хонадон соҳибини ишга кузатган аёл болаларини уйда қолдириб, нон келтиргани дўконга чиқиб кетади. Каровсиз қолган болалар ошхонада олов ўйнагани боис унинг ичини тутун қоплайди. Бундан ваҳимага тушган тўрт яшар Саидхўжа чақалоқ синглиси Зилолани кўтариб, у ёқдан бу ёққа югура бошлайди. Орадан ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас ўт ўчирувчилар етиб келишади. Юқори қаватга кўтарилган ўт ўчирувчилар бирин-кетин олов ичидан болаларни олиб чиқишиб, қўлма-қўл пастга қараб узатишади. Афсуски етиб келган тез тиббий ёрдам ходимларининг савий-ҳаракатлари зое кетди, болакайларнинг ҳаётини сақлаб қолишини иложи бўлмади...

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса, турли офатларнинг олди олинган бўлар эди. Ҳа, тилсиз ёл бўлган олов фасл, вақт ва жой танламайди. Кутилмаганда озгина эҳтиётсизлик ва бепарволик оқибатида рўй беради. Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Темур МАДУМАРОВ,
ЁХБ 12-ХҲО, 24-ХҲК смена бошлиғи, майор

ГИМНАСТИКА БАРЧА УЧУН

Тошкент ахборот технологиялари университети спорт мажмуасида мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида «Гимнастика барча учун» деб номланган спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Турнир Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқро хайрия фонди, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Гимнастика федерацияси, Миллий паралимпия ассоциацияси, Ўзбекистон махсус олимпиада ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг барча қатламларини ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, болалар ва ёшларни жисмоний тарбия ҳамда спортга кенг жалб этиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» қонуни, ижтимоий аҳамияти молик давлат дастурлари жисмоний ҳолатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг соғлигини муҳофазалаш, жамиятга интеграциялашувини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу жиҳатлар юртимизда тиббий имконияти турлича бўлган болаларни соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиши учун зарур шароитларни яратиш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга оид савий-ҳаракатларда ҳам ўз ифодасини топтоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида жисмоний тарбия ва спортга оид миллий қонунчиликни тақомиллаштириш, мактаблар, коллеж ва лицейлар, маҳалла гузараларидаги мавжуд спорт иншоотларидан оилавий спорт ва ижодий тўғараклар ташкил этиш учун фойдаланиш, ихтисослаштирилган таълим, спорт муассасалари, ижтимоий-реабилитация марказларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш юзасидан кенг қўлмалли ишлар амалга оширилмоқда.

Энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор!» шiori остида соғломлаштириш ҳафталиклари, спорт марафонлари, ижтимоий акциялар, оилавий мусобақалар ўтказилмоқда. Уларга болалар, ўсмирлар, хотин-қизлар кенг қамраб олинмоқда.

Юртимизда имконияти турлича бўлган болаларнинг спорт билан шугулланиши учун соғломлаштириш комплекслари, мактабларга махсус мураббийлар бириктирилган спортсезар ёшлар маҳоратини ошириш имконини беришга; — дейди ЎЗА муҳбирига Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Хусан Насруллоев. — Бундай турнирлар Паралимпия ўйинлари учун терма жамоа таркибига иқтидорли ёшларни танлаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Мусобақада Тошкент шаҳридаги Мурувват уйлари, махсус интернатларнинг 14 ёшгача бўлган 100 нафар тарбияланувчиси иштирок этди. Фаол қатнашган болаларга диплом ва совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ойнанинг ҳар биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 2-а уй манзилида жойлашган бинода тадбиркор субъектларининг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида «Очиқ эшиклар кун» ўтказилишини маълум қилади.

БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ

ЎЗГИДРОМЕТ 37-39 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, Тошкент шаҳрида 22 август кунини ҳава бир оз ўзгариб туради, ёнғинлар-шаҳар ҳаво муҳитида зачилик бўлмайди. Шарқдан 3-8 метр тезлик-да шомол эсида. Ҳарорат тади, тағмиқдор паст кечаси — 19-21, кундузи — бўлади.

Тошкент Оқшом

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан урихатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳрират компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6527 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.20